

Кеча Тошкентда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илғорлари-нинг қурултойи бўлиб ўтди. Бунда юбилей йилининг улкан режалари белгилаб олинди.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН.

1 март 1970 йил, якшанба

№ 50 (14.516)

Баҳоси 2 тийин.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИНИНГ ЮКСАК МАРРАЛАРИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг илғорлари ўтган 1969 қишлоқ хўжалиги йилига яқун ясаб, В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги нишонланадиган 1970 юбилей йили учун янги марраларни белгилаб олгани яхши анъанага мувофиқ кўклар арафасида ўз қурултойларига йилгиллар.

28 февралда ўзбек қишлоғининг энг яхши кишилари қишлоқ хўжалиги илғорлари, колхоз раислари, совхоз директорлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари Тошкентдаги Санъат саройи залини тўлдирди. Қурултойда республика ва областлар партия ва совет органларининг раҳбар ходимлари, област ва район қишлоқ хўжалиги ҳамда сув хўжалиги органларининг, «Узсельхозтехника» бўлиmlарининг раҳбарлари, олимлар, саннат корхоналарининг вакиллари қатнашмоқда. Қурултойда ҳозир бўлганлар орасида Ўрта Осиё, Қозоғистон, Озарбайжон республикаларининг делегациялари бор.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова қисқача кириш нутқи сўзлаб, қурултойни очди.

Қурултой қатнашчилари баланд руҳ билан КПСС ленинчи Марказий Комитетининг биринчи секретари фахрий президиумга сайлашди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов «1969 йилнинг якулари ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг 1970 юбилей йилида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Хоразм област ижроия комитетининг раиси Р. Эшчонов, Сурхондарё област партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Муродов, Қашқадарё област ижроия комитетининг раиси И. Жалилов, Бухоро област ижроия комитетининг раиси Н. Б. Бозоров, Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтига қарашли «Красный водопад» тажриба базасининг сўз соғувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. И. Чудная, Сирдарё областидаги «Октябрь 30 йиллиги» совхозини пахтачилик бригадасининг раҳбари М. Канаева, Фаргона област партия комитети-

нинг биринчи секретари Ф. Ш. Шамсиддинов, Самарқанд областидаги «Нурота» совхозининг катта чўпонини З. Туробов, Қорақалпоғистон област партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, Наманган област ижроия комитетининг раиси Х. Холхонов, Сирдарё област партия комитетининг биринчи секретари Е. Та-санбоев, Андижон област партия комитетининг секретари У. С. Саримсоқов, Бухоро областидаги «Шофиркон» совхозининг директори К. Рустамов, Тошкент област ижроия комитетининг раиси Э. Т. Шайхов, Самарқанд област партия комитетининг секретари А. К. Каримов, Қорақалпоғистон АССР даги Чапаев номи совхоз директори Ж. Қурбонниёзов қатнашдилар.

Меҳмонлардан — Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. Дуйшеев, Тожикистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси Н. Абдулҳақов, Туркменистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Б. Ф. Бурашников, Озарбайжон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Ю. Н. Алекс-керев, Қозоғистон ССР Чимкент област ижроия коми-тети раисининг ўринбосари К. И. Шарамко нутқлари тулдурас қарсақлар билан кўтиб олинди.

Қурултойда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюро-си аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Қурултой қатнашчилари Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг 1970 йилги социалистик мажбуриятларини қабул қилишди.

Қурултой ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Р. Н. Ни-шонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети-нинг бюроси аъзолигига кандидат М. Т. Турсунов, Ўзе-бекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосар-лари Г. А. Габриельян, С. К. Зиёдуллаев, М. З. Мирза-аҳмедов қатнашдилар.

Қурултой қатнашчилари учун Ўзбекистон санъат усталари ижросида катта концерт қўйиб берилди. (ЎЗАТА).



Суратда: Санъат саройида қурултойнинг очилиш пайти.

А. Тўраев фотоси.

А. А. ГРОМИКО МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

СССР Ташқи ишлар минис-три А. А. Громико 28 февралда Москвага қайтиб келди. У Гер-мания Демократик Республикаси ҳукуматининг тақдирга мувофиқ ГДРга расмий визит билан бор-ган эди.

А. А. Громико Москвага қайтиб келганда унда яқин муддатли визит билан Варшавада ҳам бўл-ган эди.

СССР ТЎҒРИСИДА ЯНГИ КИТОБ

Покистоннинг таниқли публицис-ти Бахтиёр Идрис эган китоб бу ерда «СССР халқ хўжалигини ри-вожлантиришнинг ленинча йўли» деган сарлавҳа билан урду тилида босилиб чиқди. Китобда Октябрь революциясидан кейин Совет Иттифоқида рўй берган жу-да

катта ўзгаришлар тасвирланган. Муаллиф Лениннинг Россияни электрлаштириш пиланини ҳамда СССР халқ хўжалигини тез ва ат-рофлича ривожлантириш негизи бўлган оғир саннат асосий тар-моқларини яқинда келтириш пиланини батафсил ёритиб берган.

«КОСМОС 324» ПАРВОЗДА

Совет Иттифоқида Ернинг навабдаги сунъий йўлдоши — «Космос-324» учирилди. Йўлдошга космик фазонинг тадқиқ қилишни давом эттириш учун мулккалан-ган илмий аппаратлар ўрнатил-ган.

ВУЛҚОН ХАРАКАТГА БЕЛДИ

Сицилия оролларидаги Этна вулканининг шимоли қиялигида ўн кундан бери таъминан 3,100 метр баландликда пайдо бўлган янги кратернинг икки жойдан кўли алағча чиқиб турибди.

Катания шаҳридаги вулкано-слем институтининг олимлари янги кратернинг ҳаракатини ўз-луксиз кузатиб турибдилар. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОБЛАСТЛАРИДА БЕДА ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

1970 йил 28 февралга бўлган
МАЪЛУМОТ

(гектар ҳисобида)

Биринчи стун — областлар, иккин-чи стун — беда экиш пилани, учинчи стун — экилган майдон, тўртинчи стун — пиланиннг бажарилиш про-центи, бешинчи стун — шу жумладан бошқа экинларга аралаштириб экил-ган беда.

Самарқанд	12000	3265	27,2	2032
Фарғона	11000	2964	23,3	2074
Бухоро	11000	2351	21,4	2314
Андижон	10500	1643	17,3	1706
Наманган	9000	1555	17,3	1555
Сурхондарё	8000	1295	16,2	1237
Сирдарё	22000	2966	13,6	2170
Тошкент	13000	1452	11,2	1323
Қашқадарё	7500	732	9,8	284
ҚҚ АССР	10000	—	—	—
Хоразм	6000	—	—	—

Республика бўйича 120000 1843 15,0 14795

ИБРАТЛИ ЯКУНЛАР ВА УЛКАН РЕЖАЛАР

1969 йилнинг якулари ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг 1970 юбилей йилида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги вазифалари

Ўртоқлар! Биз бугун ўзимизнинг ҳар йили одат бўлиб қолган қурултойи-мизга, қилган ишларимизга қисқача яқун ясаб ва 1970 йилнинг қишлоқ хў-жалик соҳасидаги асосий вазифаларини ва уларни бажариш чора-тадбирларини муҳокама қилиш учун тўпландик.

Совет халқи 1970 йилга қадам қўй-ди. 1970 йил В. И. Ленин туғилган ку-нини юз йиллигини нишонлаш ва беш йилликнинг охириги йили бўлиб ҳисоб-ланади. Беш йилликнинг ўтган тўрт йилига яқун ясалди. Бу йиллар ичида қилган ишларнинг натижалари совет кишилари учун самарали бўлиб, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида тех-ника даражаси анча ўсди, иккинчи ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ош-ди, совет халқининг турмуши яхшиланди.

Партия Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Бреж-нев КПСС Марказий Комитетининг 1969 йилги декабрь Пленумида қўрсатиб ўтганидек, беш йилликнинг ўтган тўрт йили ичида кўлга киритилган асосий иқтисодий яқун шундан иборатки, мам-лакат халқ хўжалигини ривожланти-ришнинг асосий беш йиллик пилани юзасидан партиянинг белгиланган Ди-рективалари энг муҳим иқтисодий ва иккинчи қўрсаткичлар бўйича тўла бажарилди.

Шу йилларнинг асосий сиёсий яқуни шундан иборатки, партиянинг ХХIII съездида, Марказий Комитетнинг Пленумларида ишлаб чиқилган тадбирлар мамлакатимизнинг иқтисодий қуввати-ни ва муҳофаза қилишнинг мустаҳкам-лашди, халқимизнинг турмуш даража-сини оширишда катта ютуқларни қўлга киритишни таъминлади.

Беш йилликнинг ўтган тўрт йили мо-байнида мамлакатимизда бўлгани каби, республикамизда ҳам партия ХХIII съезди Директиваларининг топириқ-лари асосий қўрсаткичлар бўйича тўла бажарилди.

Республикада йирик энергетика ку-члари ишга туширилди, кўпгина табиий бойликлар вужудга келтирилди. Шу-нинг негизида республика саннатининг ривожланишида катта сифат ўзгариш-лари рўй берди. Саннатнинг янги тар-моқлари пайдо бўлди. Йирик саннат корхоналари қурилмоқда.

Янги ишлаб чиқариш қувватлари иш-га туширилиб, ўзлаштирилганлиги, тех-ника тараққиети жорий этилганлиги

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. ҚУРБОНОВ доклади

туфайли шу йиллар мобайнида саннат ишлаб чиқаришнинг ҳажми 24 процент кўпайди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам бирмунча муваффақиятларга эри-шилди.

Республика аҳолисининг турмуш даражасини ошириш борасида ҳам бир қанча йирик тадбирлар амалга оширил-ди.

Бизнинг кенгашимиз Совет Иттифо-қи меҳнаткашлари, бутун тараққийлар-вар инсоният доҳийи Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кўтиб олиншга ҳо-зиранда атайиб кўнларда ўтмоқ-да.

Социалистик давлатимизнинг бутун тарихи, инсоният ҳаётидаги бутун бир революцион давр В. И. Ленин номи ва фаолияти билан боғланган. Қишлоқ-ий социалистик негизда қайта қуриш, ернинг иккинчи мулк бўлишига асо-сланган коллектив хўжаликлар тузиш каби қишлоқ хўжалигида амалга оши-рилган жуда катта ўзгаришлар ҳам унинг номи билан боғланган.

Ленин таълимоти асосида бутун мамлакатимизда бўлгани каби Ўзбеки-стонда ҳам қишлоқ хўжалиги ҳозирги за-мон техникасига, фан муваффақиятла-

рига ва илғор тақрибига асосланган, юксак даражада механизацияланган хўжаликка айланди.

Марказий Комитетнинг 1965 йил март, 1966 йил май, 1968 йил октябрь Пленумларида ишлаб чиқилган чора ва тадбирларнинг амалга ошираётган республика қишлоқ хўжалиги меҳнат-кашлари деҳқончилик, маҳсулотлари-нинг, биринчи таъдда пахта етиштириш суръатларини тўхтовсиз оширмоқда-лар.

1961—1965 йилларда ҳар йил ўр-та ҳисобда 3 миллион 485 минг тонна пахта етиштирилган бўлса, беш йил-ликнинг тўрт йили мобайнида респу-бликамизда ҳар йил ўрта ҳисобда 4 миллион тонна пахта етиштирилди. Шу давр ичида мамлакатимизга жами 16 миллион тонна пахта етказиб бе-рилди.

Пахтачилик билан бир қаторда рес-публика қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари: деҳқончилик, чорвачилик ҳам тўхтовсиз ривожланиб бормоқ-да.

Колхоз ва совхозларнинг эконо-микси мустаҳкамланди, қишлоқларини ободонлаштириш соҳасида бирмунча ишлар қилинди. Қишлоқ меҳнаткаш-ларига маданий-маиший хизмат қўрсатиш анча яхшиланди.

кабрь Пленумида пахтакорларнинг қа-ҳармонлигига юксак баҳо берди. У пахта етиштиришга катта меҳнат сафлани-ётганини таъкидлаб, пахтакорлар-нинг меҳнатини гоат қадрлаш керак деб ўқитиб ўтди.

Пахтакорлар меҳнатига берилган бу юксак баҳо Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг уларга инсоният катта тақдирини қийметларини эъ-сатиб тургани, бу юксак баҳо деҳқон-ларимизнинг ҳақли равишда фахрлан-тириши, уларни катта вазифаларини бажаришга руҳлантириши.

Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё ва Хоразм областларининг қишлоқ хўжа-ли меҳнаткашлари ўтган йили пиланин ошириб бажарилди ва давлатга пландан тақшари 130 минг тонна пахта сотдилар. Пахта тайёрлаш пиланини 46 район, 535 колхоз ва 93 совхоз бажарди.

Хоразм области хўжаликлари пахта ҳосилини гектар бошига ўрта ҳисобда 32 центнерга, Сурхондарё области хў-жаликлари 29,5 центнерга етказдилар. Қашқадарё ва Бухоро областлари па-хтакорларининг муваффақиятини ало-ҳида қайд қилиб шуни айтиш керак-ки, улар ўтган йили пахтадан юқори ҳосил олиншга эришдилар. Қашқадарё области гектаридан ўрта ҳисобда 28,7 центнер, Бухоро области 25,2 центнер ҳосил олди.

Республикада айрим районлар юқо-ри қўрсаткичга эришдилар. Жарқур-гон районини пахтакорларини гектар бо-шига ўрта ҳисобда 35,2 центнер, шу жум-ладан илгичка толали пахтадан 32,4 центнер ҳосил олдилар. Шўрчи рай-ониди ҳосил ўрта ҳисобда 34,6 цент-нерга етказилди. Янгиарқ ва Сарин-сон районларида 34 центнердан оши-риб ҳосил олинди.

Республиканинг 16 райони ва 229 колхоз ва совхоз, 169 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 цент-нердан ошириб, шу жумладан 61 хўжа-лик ўрта ҳисобда гектаридан 35-40 центнерга етказиб ҳосил олди.

Механизаторлар, тажрибали пахта усталари ва новаторлар бошчилиги қи-лаётган кўпгина пахтачилик бригада-лари ўтган йили мўл ҳосил етишти-дилар.

Шонли ишчилар, санғифи, ишчилар

билан қишлоқ хўжалик меҳнаткашла-рининг мустаҳкам иттифоқи республи-ка қишлоқ хўжалигини ва биринчи таъдда пахтачиликнинг ривожлантиришда жу-да катта роль ўйнайди.

Республикада атайиб анъана — «Ўроқ ва Бола» кўплари. Ўташиз одат бўлиб қолди, бу бағрам ишчилар синғифи билан қишлоқ хўжалик меҳнат-кашларининг дўстлигини янада муста-ҳкамлайди. Бу анъанани келгусида ҳам давом эттира бериш керак.

Пахтакор республикалар ўртасида олиб борилаётган, расм бўлиб қолган социалистик мусобақа пахтачиликни ривожлантиришда жу-да катта аҳамиятга эгадир. Ҳосил тўлаш учун қурашнинг энг масъулияти давирда қардош респу-бликалардан келган пахтакорлар жу-да яхши масъалаларни бериб, ҳосил етиштиришда рўй берган айрим камчи-ликларни бартараф қилишни оқошлан-тиришмоқдалар ва шу тариқа республика олган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига ердан бермоқдалар.

Ўзбекистоннинг барча пахтакорлари ва қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари номидан социалистик мусобақада биз-га катта ердан берган мусобақадон қардош республикалар меҳнаткашла-рига чин қадимиздан чуқур миннат-дорчилик билдиришга руҳсат этгайсиз. Мусобақани бу йил ҳам катта маму-ният билан давом этдирамиз. Қар-дошларимиз ишга бу шонли йилда катта муваффақиятлар тилаймиз.

Ўтган йили юқорида айтилган му-ваффақиятлар билан бир қаторда иши-мизда рўй берган камчиликлар ва нуқ-сонлар ҳам кам эмас. Республикада 432 колхоз ва 98 совхоз давлат пиланин бажармади, кўп хўжаликлари пахта-дан кам ҳосил олди.

Шунинг учун ҳам биз бултурги иши-мизда йил бўйида хато ва камчилик-ларни шу кенгашда рўй-рост олиб таъ-лашамиз, пахта ва бошқа қишлоқ хў-жалик маҳсулотлари етиштиришнинг давлат пиланини ҳар қандай об-ҳа-во шароитида тўла бажаришни кўлаб, ана шу хато ва камчиликларни йўқо-тиш йўллариин белгилаб олишимиз керак.

Баҳор кечкииб келганида экин ва чигитларнинг униб чиқиши албатта ан-

ча орқага сурилади. Бундай шароитда агротехника талабларига қаттиқ риоя қилиб, тўзани ўз вақтида ва сифатли парвариш қилиш масаласига алоҳида аҳамият бериш керак.

Аммо, бултур кўпгина хўжаликлар-да бу талабларга риоя қилинмади. Ҳу-запи янағалаш июнь ойининг ўрта-ларига, Қорақалпоғистонда эса, июль ойига қадар олди. 10 июнгача бирин-чи чопиқ пахта майдонининг фақат 43 процентидигани. Самарқанд областида эса фақат 32 процентидида ўтказилди. Бу ишларнинг кечикиб кетишига яна бир сабаб шу бўлдики, неинги вақтларда кўпгина колхозлар ва сов-хозларда тўзани ички қўмондама иш-лаш асосида равишда қисқартириб юбо-рилди.

Бултур кўп хўжаликларда ерларни ортқича суғориш ва минерал ўғит-ларни керагидан ортқи солишга йўл қўйилди. Ҳузапи оқинлангириш айниқ-са Фарғона водийсидаги областларда, Тошкент, Сирдарё, Самарқанд област-ларида ва Қорақалпоғистонда асосий майдонларда август ойида ҳам ўткази-ла берди. Натижада Ҳузапини кўсак олиши ва ҳуза бергани анча кечикиб қолди, ғуза бергани тўқтириш ва пахта-ни машинада териб кечикиб кетди.

Маълумки, бултур пахта майдонлари-да вишт касали қўпайиб кетди, натижа-да пахта ҳосилига айниқса Фарғона водийсида катта зарар етказилди. Виштнинг зарари тўғрисида ҳар йили гапира-миз, аммо у билан қурашнинг учун жид-дий чоралар қўраётганимиз йўқ. Кейин-ги йилларда вишт билан зарарланган пахта майдони анча қўпайганлигининг сабаби ҳам ана шу.

Ҳўш, агрономларимиз, мутахассис-ларимиз, олимларимиз, илмий таъли-лотларимиз, ниҳоят қишлоқ хўжалиги министранги, ва ушнғ жоьлардаги ор-гаинари ишга ишлар билан шуғуллани-моқдалар!

Колхозчилариниғ Бутуниттифок III съезидида ва партиямиз Марказий Коми-тетининг декабрь Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев олдимида турган вазифаларини бирма-бир айтиб берди, эри-шилган натижаларга тўғри баҳо бериш, камчиликларни болышевчиларча при-нципалди билан очиб ташлаш, бу кам-чиликларни йўқотиш йўллари ва вояс-таларини топиш зарурлигини қўрсатиб берди.

(Давоми иккинчи бетда).

